



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 16-iyul • Payshanba • 84 (30.045) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 га кўпайтирилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўшартиявийлик асосида сайланиши кўзда тутилган. Бу сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги вакилликни кенгайтиради.

Тараддуд

УЗОҚ ЙЎЛЛАР ЯҚИН БЎЛДИ

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар, қишлоқ ва овуларида кўплаб раvon йўллар, кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, темир йўл қурилиши соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Илгари йўловчилар қўшни Туркманистон Республикасининг Тошхувоз, Чаржўй вилоятларидан ўтиб, Тошкентга боришар эди. Эндиликда Навоий — Учкўдук — Мискин — Нукус темир йўли қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилиши муносабати билан йўл масофаси анча қискарди.

Ўзбекистон темир йўллари Давлат акциядорлик компаниясининг Орол бўйи филиали «Ўзтемирйўлийловчи» очик акциядорлик жамияти жамоаси мустақиллигимизнинг 18 йиллигини катта ютуқлар билан кутиб олишяпти. Қўнғирот, Хўжайли, Нукус, Тўртқўл, Эллиққалъа, Мискин темир йўл вокзаллари ҳозирги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиляпти.

Нукус темир йўл вокзалига етиб келганимизда бизни навбатчи Сарвиноз Курбонова кутиб олди.

— Мен 2002 йилдан буён шу вокзалда навбатчи бўлиб ишлайман, — дейди у. — Вокзалда йўловчилар учун дам олиш хонаси, ошхона ишлайди, улар телевизор кўриб, газета-журналларнинг янги сонларини ўқиб, маданий ҳордиқ чиқариши мумкин.

Ёзининг иссиқ жазирама кунларида йўловчиларнинг қийналиб қолмаслиги учун поездлар графикда белгиланган муддатларда қатнаб турибди. Ҳозир ёз мавсу-

ми, талаба, ўқувчиларнинг таътил пайти. Кимдир сафарга, кимдир санаторийларга бориш учун поездга чиқишга шошиляди. Тошкент — Қўнғирот, Қўнғирот — Тошкент, Алма-ата — Нукус, Нукус — Алма-ата, Тошкент — Саратов, Саратов — Тошкент, Тошкент — С.Петербург, С.Петербург — Тошкент, Қўнғирот — Бейнус, Бейнус — Қўнғирот, Қўнғирот — Чимбой, Чимбой — Қўнғирот каби йўналишлар бўйлаб йўловчилар гавжум.

Сўхбатимизда Орол бўйи филиали «Ўзтемирйўлийловчи» очик акциядорлик жамияти раиси Аденбай Курбоновни таклиф этдик: — Йўловчиларни манзилларига етказиб қўйишда белгиланган режа-шартномаларимизни ошириб бажаряпмиз, — дейди у. — Албатта, бунга осонлик билан эришяётганимиз йўқ. Ўзига яраша қийинчилиги, ташвишлари бор. Утган йили 1 миллион 745 минг нафардан кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатдик. Жорий Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг Утган 6 ойида 914 мингдан ортқ йўловчи манзилларига етказилди. Режа 101,6 фоизга бажарилди. Дам олиш хоналари, кекса отахон-онахонлар, ёш болали аёллар учун алоҳида хоналар ишлаб турибди.

Ройинбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.




18
МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!



Қадим Насаф — Қарши шаҳри мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий бинолар, маданият ва спорт иншоотлари, кўприклар, йўллар, майдонлар бунёд этилди.

Бир-биридан сўлим боғлар, гулзорлар яратилди. Бу бунёдкорлик намуналари Истиқлол имкониятларини кўз-кўз қилиб турибди.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар



ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТАЛҚОНСАЙЁТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Олот туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига ҳар соҳада муносиб совға ҳозирланмоқда. Қурилиши нияҳлаб бораётган Талқонсайёт қишлоғидаги Олот политехника ва сервис касб-ҳунар коллежи ана шулардан биридир.

— Гузал меъморий кўриниш ва ечимга эга бўлган бу ҳунар маскани, — дейди «Файзобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Еқуб Низомов, — янги ўқув йилида ёшларга ўз бағрини очади. 540 нафар ўқувчига мўлжалланган бу коллеж туманимизда еттинчи билим ва ҳунар даргоҳи бўлади.

«47-МПК» масъулияти чекланган жамият участка бошлиғи Жамшид Сулаймоновнинг таъкидлашича, мазкур объект август ойидаёқ фойдаланишга топширилади ва юздан зиёд ишчи ўрини вуҳудга келди.

Даврон БАҲРОНОВ

ЖИЗЗАХ КЎЧАЛАРИДА «ISUZU» АВТОБУСЛАР

Вилоятда 30 та янги «ISUZU» русумли автобусларнинг «Жиззах автошўхбекати» Қахрамон қишлоғи йўналиши бўйича қатнов йўлга қўйилди.

— Яна 9 та шундай автобуслар «Учтепа — Гандумтош» йўналишига қўйилади, — дейди шаҳар йўловчи ташиш транспорти департаменти раҳбари Қўчқор Ҳуролов. — Келгусида юртимизда ишлаб чиқарилган бундай автобусларнинг сонини 100 га етказиш мўлжаллана-япти.

«Жиззах таксисаройи» очик акциядорлик жамияти томонидан лизинг асосида харид қилинаётган янги автобусларнинг қанови шаҳар ҳамда вилоят аҳолиси учун қулайликлар туғдирмоқда. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш сифат ва самарадорлигини ошириш таъминланмоқда. Қолаверса, бундай савй-ҳаракатлар натижасида ҳозирнинг ўзида 62 нафар фуқаронинг сони 100 га етказиш мўлжаллана-япти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Пахтабод туманида «Хурхамроҳ» масъулияти чекланган жамият мевани қайта ишлаш цехини ташкил этди. Россия технологиясига асосланган цехнинг қуввати юқори. Цехда боғдорчилик фермер ҳўжалиқлари билан тузилган шартномага мувофиқ мевалар пешма-пеш қайта ишланяпти. Маҳаллий ёшлар ўнлаб янги иш ўринларига эга бўлишди.

«Пахтабод ризқ» корхонасида эса сифатли қолбаса маҳсулотлари тайёрланяпти. Корхона раҳбари Алишер Ваҳобов Хитойдан 100 минг АҚШ долларлик технология келтиргани ишга унум берди. Ҳозир уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Келгусида қолбасалар тури ўндан ошади.

Аҳмадйилло СОЛИЕВ

АБИТУРИЕНТ — 2009

БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш қизғин паллага кирди



Бугун мамлакатимиздаги қай бир олий ўқув юртига борманг, билимга чанқок ёшларимиз ҳаяжон билан ўзлари қизиққан соҳа бўйича ҳужжат топшираётганига гувоҳ бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги «2009-2010 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, янги ўқув йилида олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичига 57305 нафар талаба қабул қилиниши кўзда тутилган. Улардан 19755 нафари давлат гранти, 37550 нафари эса тўлов-контракт асосида қабул

қилинади. Мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган пок ният-ли ёшларимиз санокли кунлардан сўнг ўзлари орзу қилган мутахассислик бўйича тест синовлари асосида олий ўқув юртларига имтиҳон топширадилар.

Хизмий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳовлиси ҳам эрта тонгданок ҳужжат топширишга келган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда абитуриентлар учун барча шарт-шароитлар яратилган

2-бет >

Кучли давлатдан кучли жамият сари

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИ: СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очкилиги ва демократиклигига боғлиқ. Сайлов демократиянинг энг муҳим институти, халқ хоши-иродаси ифодасининг асосий шаклларида бири саналади. Шу боис, Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, уларни изчил такомиллаштириб боришга демократик ислохотларнинг муҳим бўлини сифатида қаралмоқда. Бинобарин, Президентимиз Ислам Каримов «Фуқароларимиз ва сайловчиларимизнинг ўз фикри ва эътиборини, хоши-иродасини билдиришлари учун эркинлик ва яна бир бор эркинлик ҳўқоронлигини, оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларга ўз ҳўқуқ ва бурчларини амалга оширишда зарур имко-

ниятларни таъминлаш, тенг ва яширин овоз бериш шароитини яратиб беришни, мухтасар айтганда, демократик норма ва андозаларга сўзсиз риоя қилишни ҳаётнинг ўзи биздан талаб этмоқда» деб алоҳида таъкидлаган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳўқимияти вакиллик органларига сайловларнинг ўзига хос хўсусиятлари, фуқароларнинг сиёсий ва ҳўқуқий онги, маданияти ҳисобга олинган ҳолда сайлов тўғрисидаги қатор қонунлар қабул қилинди ва босқичма-босқич такомиллаштириб бориш аънаъага айланди. Бунда халқаро сайлов стандартлари асосида ўтказилган сайловларда ортирилган тажрибалар ҳисобга олинмоқда.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонунга уч маротаба тузатишлар киритилди (1997 йил 26 декабрь, 1999 йил 19 август, шунингдек, 2000 йил 26 май). Ушбу тузатишларда кузатувчилар институти такомиллаштириш, депутатликка номзодларга қўйилган талабларни аниқлаштириш, сайловолди тарғиботи жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сиёсий партияларга тенг имкониятларни таъминлаш, Марказий сайлов камиссияси, округ ва участка сайлов камиссияларининг ҳўқуқ ҳамда мажбуриятларини янада аниқлаштиришга қаратилган ҳўқуқий нормалар мустаҳкамланди.

2002 йилда умумхалқ референдуми ўтказилганидан кейин юқоридagi Қонун янги тахрир-

да қабул қилинди (2003 йил 29 август). Бу Қонунда халқаро ҳўжатларда акс эттирилган ва демократик сайловлар ўтказиш йилини таъминлайдиган нормалар ривожлантирилди. Сиёсий партияларнинг роли ва нуфузи ошиб бораётгани, дунёнинг тараққий топан мамлакатлари тажрибаси ҳисобга олиниб ҳўқимиятнинг маҳаллий вакиллик органларидан парламент депутатлигига номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди.

Аҳолининг ҳўқуқий ва сиёсий маданияти ўсганлиги, қонунчиликни муттасил такомиллаштириб бориш эҳтиёжидан келиб чиқиб, мазкур Қонунга 2004 йил 27 августда ва 2004 йил 3 декабрда тузатишлар киритилди. Унда сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка ном-

зодлар умумий сонининг камида 30 фоизи хотин-қизларни ташкил этиши кераклиги тўғрисидаги ва сайлов бюллетенларини тўлдириш тартиби ҳамда уларни санашга тааллуқли бошқа меъёрлар киритилди.

Барча ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини эркинлаштириш ва демократлаштириш, сайлов кампанияси иш-тироқчилари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқароларнинг сайловларда ҳам актив, ҳам пассив сайлов ҳўқуқидан фойдаланиб фаол иштирок этишини кенгайтиришга қаратилди. Энг асосийси, қонунларимиз халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

2-бет >

ЎзХДП: партия ташкилотлари конференцияларида
ФАОЛИЯТГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР
2

ВИЗА ТАРТИБИ
3

УЧ ТАҚДИР
4

Сайлов қонунчилиги такомиллашуви: Сийёсий партиялар учун янги имкониятлар

2008 йил 1 январдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун Олий Мажлис сайловига доир қонунчиликнинг демократик жиҳатдан янада такомиллашуви сабаб бўлди. Мазкур Конституциявий Қонун чинакам кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ҳаёт муҳим роль ўйнади.

Шундан келиб чиқиб сайловга оид қонунларимизга 2008 йилда ҳам ўзгаришлар киритилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сайлов кампанияси иштирокчилари ўртасида соғлом сийёсий рақобат учун шарт-шароит яратиш мақсадида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, демократлаштириш ва эркинлаштириш доимий ва босқичма-босқич жараёнга айланган.

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун 2009 йил 1 июлдан кучга кирди. Мазкур Қонун мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада илдам боришни таъминлашга хизмат қиладиган вазиёларни ҳал этишга қаратилган. Унга асосан 13 та қонунга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Бунда 135 депутат худудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланиши кўзда тутилган. Бу сийёсий партияларнинг пар-

ламент куйи палатасидаги вакилликни кенгайтиради. Сийёсий партияларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сийёсий ислохотларнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашдаги роли ва таъсирини янада оширишга хизмат қилади.

Ун бешта депутатлик ўрни жамоат ташкилоти — Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Шу тарика, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши, уларнинг марказда ва жойларда оғишмай ижро этилишига бевоқифа, самарали таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Мазкур янгилик бутун жамият ва давлат, ҳар биримиз учун ҳаётий зарурат бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазиёларини ҳал этишда парламентнинг ролини оширишга кўмаклашади.

Шуни таъкидлаш зарурки, бир қатор ривожланган давлатларда экологик ҳаракатлар «ашиллалар партияси» деб ата-лувчи сийёсий куч сифатида, партия шаклида тузилмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, бу ташкилотлар ўз олдида сийёсий мақсадлар, ҳокимиятга кириш вазиёларини куйиб, ўз сайёҳаракатларини аввало, сийёсий курашларга йўналтириб, парла-ментдан ўринлар олган, экологик муаммолари билан амалда шугулланмай куймоқда. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Экоҳаракатга парламент куйи палатасидаги ўринлардан квота ажратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу оммавий-ижтимоий ҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Экологик ҳаракатдан

депутатлар сайлаш мuddати ва сайловни ўтказиш, шунингдек, сайланган депутатларни руйхатга олиш тартибини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

Сайловга оид қонунчиликмизга киритилган тузатишлардан яна бири, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатлик номзодлар кўрсатиш институтининг чиқариб ташланганидир. Ўзбекистонда самарали кўппартиявийлик тизими шаклланди ва тобора ривожланиб бормоқда. Бундай шароитда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан номзод кўрсатиш институтидан фойдаланишга зарурат қолмади. Бу ҳол ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг иштироки учун янада кенг имконият яратиб беради. Қомил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги депутатликка номзодлар кўрсатишнинг ҳозирги тартиби умумэтироф этилган демократик талаблар ва мезонлар, халқимиз манфаатларига тўла мос келади.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловчиларни сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга кўмаклашадиган яна бошқа бир қатор ўзгаришлар ҳам киритилди. Хусусан, «сийёсий партиянинг ваколатли вакили» институти юзага келди. Энди депутатликка номзодлар кўрсатган сийёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Сийёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларини тўғри тўлдирилганини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам

эга. Ушбу норма сайловларда ҳолисликни таъминлаш ва сайловлар очик бўлишининг, уларни ўтказиш жараёнида сийёсий партиялар ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришининг қўшимча кафолатларини яратади.

Сийёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этиши учун янада кенг шароит, имконият туғдириш мақсадида сайловда қатнашиш ниятида бўлган сийёсий партияни Адлия вазирлиги томонидан руйхатга олишнинг мuddати қисқартирилди. Хусусан, аввалги ҳолатда сийёсий партия сайловда иштирок этиши учун Адлия вазирлиги томонидан сайловга каммида олти ой қолганда руйхатдан ўтказилган бўлиши талаб этилган бўлса, энди ушбу мuddат тўрт ойни ташкил этади. Бундан ташқари, сийёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 50 минг нафар сайловчининг имзосини тўлаши лозим эди. Энди бу микдор ҳам 40 минг этиб белгиланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинишини белгиловчи қондалар сайловчиларнинг йиғилишлари сийёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилишини, йиғилишлар ўтказиладиган жой ва вақт, қанда тарикасида участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинишини назарда туғувчи норма билан алмаштирилди. Бундай ўзгариш орқали сийёсий партиялар сайловнинг бутун жараёнига янада фаол таъсир кўрсатиши учун имконият юзага келади. Партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилди. Бундай рақобат сайловчиларни сийёсий партияларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама ва кенг таништириш мақсадини кўзлайди.

Янги қонунчиликда сайлов комиссиялари фаолиятининг очик-ойдинлигини таъминлаш-

га қаратилган бир қатор нормалар ҳам акс этди. Чунончи, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари овозларни санаб чиқиш натижалари баённомасини ўқиб эшиттириши ҳамда мазкур баённомани участка сайлов комиссияси биносидан ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган мuddатга осиб куйиши керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу норма сийёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгроқ доирасини қамраб олган ҳолда ўтказиш имконини беради.

Авал амалда бўлган қонунга мувофиқ, жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, мазкур чекловлар қайта куйиб чиқилди. Эндиликда фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик ҳолати олиб ташланмаган фуқароларга депутатликка номзод этиб руйхатга олинмади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур Қонун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришда муҳим босқич, мамлакатни янгилаш борасидаги ислохотларнинг мантуқий давомияти. Шунингдек мамлакатимизнинг кучли давлатдан кучли жамият сари янада дадил одимлашга хизмат қилади.

Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП: партия ташкилотлари конференцияларида

Ғиждувон Бухоро вилоятининг энг йирик туманларидан. Тарихий обидларга бой. Ҳунармандчилик, саноат ривож тошган. Аҳолиси кулчилик, деҳқончилик, дурдгорлик каби халқ амалий санъати турлари билан шуғулланади. Одамлари меҳнатсевар, меҳмондўст, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа, сийёсий жараёнларга бефарқ қарамайди. Шу бонс, уларнинг қўллари ЎзХДП аъзоси сифатида иқтисодий, сийёсий ислохотларнинг фаол иштирокчисидир. Бунга яқинда бўлиб ўтган туман партия ташкилоти конференциясида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

ФАОЛИЯТГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР

Партия ташкилотлари, аъзолари, маҳаллий кенгашида депутатлик гуруҳининг Инқирозга қарши чоралар дастури ва «Қишлоқ тараққиёти йили» Давлат дастурини жойларда амалга оширишда иштироки ва навбатдаги вазиёлари конференция делегатлари диққат марказида бўлди.


Конференцияда шунингдек туман партия ташкилотининг беш йиллик фаолияти муҳокама қилинди. Туман партия кенгаши раиси Акрам Қурбонов ўз хисоботида ютуқ ва камчиликларни бирма-бир таҳлил қилди. Сўзга чиққанлар партия кенгаши, депутатлар фаолиятдан тўла қониқмаётганликларини рўй-рост айтидилар.

— Ҳисобот даврида туман партия кенгаши раиси алмашиди, — деди туман Кенгаши депутати, «Маҳалла» жамағатси туман бўлими раиси Аминжон Асқоров. — Ечилмай қолган кўплаб масалаларга эътибор қаратилмади. Энг ёмони, депутатларимиз туман Кенгаши сессияларига жўяли масалаларни кўтариб чиқмадилар. Гарчи икки сафдошимиз вилоят, 9 нафар партиядошимиз туман Кенгашига депутат этиб сай-

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш қизғин паллага кирди



— Ҳужжат топширишга келган йигит-қизларимиз факультетлар ҳақида тўлароқ таассуротга эга бўлишлари учун ўқув юртимиз ҳовлисидаги банирларга барча йўналишлар тўғрисидаги маълумотлар батафсил ёзиб қўйилган. Бундан ташқари Давлат тест маркази томонидан «тест адолат мезони» номли 20 минутлик видео ролик ҳар бир соатда намоиш қилинмоқда, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Иномжон Азимов.

— 2009-2010 ўқув йили учун университетимизнинг 11 та факультетига 27 таълим йўналиши бўйича абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бугунги кунга бакалаврият йўналишига кириб ўқиш иштиёқида бўлган 7568 дан ортиқ абитуриентлардан ариза тушди. Бошланғич таълим, ўзбек тили ва адабиёти, педагогика ва психология факультетларига энг кўп ҳужжатлар топширилмоқда. Бу йил университетимизга Давлат гранти асосида 880 нафар ҳамда тўлов контракт асосида эса 1245 нафар йигит-қиз талабалikka қабул қилинади.

Нилуфар Собирова, Хоразм вилояти Гурлан туманидан, абитуриент.

— Болалигимдан хоржий тилларни ўрганишга, чет давлатларнинг урф-одати ва маданиятини билишга, қолаверса, улар билан бевоқифа мулоқотда бўлишга қизиқардим. Шу бонсдан мактаб

даврдан бошлаб инглиз тилини мукаммал ўргана бошладим. Туземанимизда иқтисосланган мактабни ўтган йили тугатдим. Ҳозиргина университетнинг инглиз тили факультетига ҳужжатларимни топширдим. Бугунгача 342 нафар абитуриент топширибди. Ўзи бу йўналишга 45 та грант 55 та шароитнома асосида абитуриент ўқишга қабул қилинар экан. Насиб этса, шу йил ўзим орзу қилган ўқишга кириб, ниятларим ижобат бўлади, деб умид қиламан.

Шаҳноза Эшонқўжаева,
Тошкент шаҳридан, абитуриент.

— Ёшлигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қиламан. Шу бонсдан ўрта мактабни тугатиб, 1-Тошкент педагогика коллежига ўқишга кирдим. Уни тамомлаб уч йил давомида мактабда болаларга дарс бердим. Шу орада билимимни янада оширишим кераклигини англадим. Шу мақсадда университетнинг бошланғич таълим факультетига 659-ўринда ҳужжат топширдим. Бу йўналишга 70 та грант ҳамда 80 та контракт асосида талабалikka қабул қилар экан. Худо хоҳласа, бу орзум ҳам амалга оширишга ишонман. Чунки, ўз устимда ишлаб, ўқишга тайёрларик кўрдим.

Талаба бўлишни орзу қилган ҳар бир иқтидорли ёшларимизга тест синовларидан муваффақият яттиб, кўтулғ даргоҳларда тахсил олишдек бахтга муяссар бўлишлари ҳамда дилдаги ниятлари ушалишига тилақдошимиз.

Толтемир ҲУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация босқичининг 2009 йил 16 январдаги ажримига кўра

РАДДИЯ

«Ўзбекистон овози» газетасида 2004 йил 20 май кунги чоп этилган «Ҳолвани ректор, калтакни студент ейдимми?» ёки давлат бюджетидан ажратилган маблағлар айрим жойларда қандай талон-торож қилинаётгани ва ўғирланаётгани ҳақида» сарлавҳа остидаги мақолада ва газетанинг 2004 йил 28 сентябрдаги сонидан ушбу мақолага муносабат рункидаги мақолада келтирилган маълумотлар, фикрлар, мулоҳазалар ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли «Ўзбекистон овози» газетаси раддия беради.

Муносабат

Асосий мақсадга ўтишдан олдин бир масалани алоҳида таъкидламоқчимиз. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриши, унчинчи ҳокимият бўлган суд тизимини ислоҳ этиш, суд мустақиллигини таъминлаш, судьяликка ҳалол, принципал, малакали кадрларни танлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Булар ҳаммаси адолат тамойиллари тантанаси учун хизмат қилмоқда. Суднинг ҳолис, асосли ҳукми ёки қарори одамларда, аввало судга, қолаверса жамиятга, давлатга ҳурмат ва ишонч уйғотади. Судьянинг меҳнати нақадар оғир ва машаққатли эканини ҳам эътироф этмоқ лозим. Лекин, нима бўлганда ҳам судья хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқ, деган талаб қўйилади. Чунки, унинг қарори одамлар тақдирини ҳал этади. Тўғри, баъзан ўта чигал ишларда камчиликлар бўлиб туради, кейин апелляция ёки назорат тартибиде юқори суд органлари томонидан хатолар тузатилади. Бунга кўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Бирок, айрим ҳолларда кишини ўйга толдирадиган, ҳайрон қолдирадиган воқеалар ҳам учраб туради. Уйлаб ўйингнинг охирига етолмайсан, эҳтимол мен ниманидир тушунмаётман шекилли, деб иккиланиб қолсан. Қўлингиздаги ҳужжат ва манбалар эса сени саволлар гирдобига тортаверади.

Ўзимиз яқинда бошимиздан кечирган, судьялар қарорлари билан боғлиқ бир масала устиде мулоҳаза юритмоқчимиз. Газетамизнинг 2004 йил 20 май сониде «Ҳолвани ректор, калтакни студент ейдимми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақола ёзилишига Термиз давлат университети ўқитувчиси, фан номзоди С.Ҳамидова аризаси сабаб бўлганди. Ариза муаллифи тўплаган маълумотларда кўрсатилишича, университетда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, талабалар стипендиялари бандан вақтида олинишига қарамай, вақтида тарқатилмади. Буни аниқлаш учун аввало талабалар сардорларидан уч-тўрт нафари билан суҳбат-

БАНК МАЪЛУМОТИ

лашилди. Улар ҳақиқатан ҳам стипендияларни кечкиб олишганини ёзиб беришди. Ана шундан сўнг биз масалага ойдинлик киритиш учун Республика Марказий банки раҳбариятига ёзма равишда мурожаат қилдик. Банк масъул ходимлари Термизга бориб, муаммони жойида ўрганиб келгач, бизга расмий равишда жавоб хати берилди ва қўшимча равишда оғзаки ҳам тушунтирилди. Банк маълумотида стипендиялар ўз вақтида университетга бериб борилган, аммо нега вақтида тарқатилганини текшириш банк ваколатига кирмаслиги қайд этилган. Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси топшириғи билан Сурхондарё вилояти назорат-тафтиш бошқармаси ўтказган текширув натижасида эса университетда пулларнинг мақсадли сарфланиши бўйича қатор қоидабузарликлар аниқланган. Университет ўқитувчиси аризаси, талабалар тушунтириш хатлари, Марказий банк раҳбарияти ва Молия вазирлиги бошқармаси ҳужжатлари асосида мақола ёзилди. Масалага жамоатчилик эътибори қаратилди. Матбуотнинг вазиёси ҳам шу деб ўйлаймиз. Матбуот ҳужм чиқаролмайди, бировни ишдан олиб, ишга ҳам қўйламайди.

Мақоладан сўнг қатор идоралардан жавоб хатлари келди. Ректор лавозимидан озод қилинган, унга ва бир гуруҳ университет мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилгани ва ҳақозалар ҳақида Олий таълим вазирлиги, Сурхондарё вилоят прокуратураси, Молия вазирлигидан келган хатлар газетанинг ўша йил 28 сентябрдаги сониде эълон қилинди. Хуллас, муаммога жамоатчилик эътибори қаратилди, тегишли идоралар назорати ўрнатилди. Яъни газета ўз ваколати доирасида вазиёни бажарди, деб ўйладик, масалага нуқта қўйилди.

Ўтган йил ёзида фуқаролик ишлари бўйича Мировод туманлараро судидан тахириятга ҳабарнома келди. Собиқ ректор Х.Аллакулов судга даъво ариза билан мурожаат этибди. Бизга маълум бўлишича, у жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани судида (23.02.2006 йил) оқланди. Оқлов ҳужжатини олган, собиқ ректор ишдан бўшатилгани ҳамда асосий судма-суд овора бўлганига мақола-ни сабаб қилиб кўрсатиб, тахириятдан раддия беришни талаб қилаётган эди.

Судья Ш.Ражабов томонидан бу иш кўриб чиқилди. Тўғриси, суд жараёнида судьянинг ишга муносабати, аниқроғи томонларга муносабати бизни ўйга толдириди. Х.Аллакулов ўз аризасида шаън, қадр-қиммати ҳимоясини сўраган. Биз мақолада шахсни камситувчи, ҳақоратли сўзлар йўқлигини айтдик. Судья аввалига мутахассис чиқарамиз, деб сўнгра эса чиқармади. Бу масала бир четда қолиб, мақола бошдан оёқ таҳлил этилди. Мақоладаги барча маълумотлар асосида, тасдиғини топмаганга чиқарилди. Раддия бериш мажбурияти юклатилди. Мақола муаллифига нисбатан ҳу-

сусий ажрим чиқарилди. Биз томонимиздан фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига ёзилган кассация шикоят асосида судья Ш.Ражабов томонидан чиқарилган ҳусусий ажрим бекор қилинди ва ҳал қилув қарори ўзгаририлди. Лекин барибир иккала санадаги (20.05.2004, 28.09.2004й.) мақола ва унга келган жавоб хатларидаги фактлар бўйича раддия бериш мажбурияти қолди. Шу ўринда жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди судьяси У. Самандаров оқлов ҳукмида қандай кўргазмаларни асос қилиб олганига эътибор қаратайлик.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод судида университетга хизмат кўрсатувчи «Асака» банк ва «Уйжойжамгармабанк» ходимлари Уткир Алимов, Уткир Саматов ва Отабек Хайдаровлар талабалар стипендиясини кечкиб олинишида ректор айбдор эмас, нақд пул бўлмагани сабабли банк тегишли маблағини ўз вақтида беролмаган, деб кўргазма беришди. Биз ўйланиб қолдик. Марказий банк бизга мутлақо бошқача маълумот берган эди-ку! Яна Марказий банкга мурожаат қилдик ва олинган жавобдан сўнг хайратимиз ошгандан ошди:

...«Асака» банк Сурхондарё вилоят филиалининг 2009 йил 21 январдаги 6К/12-сонли хатида Уткир Алимов «Асака» банкнинг ушбу филиалида умуман ишламаганлигини, Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди ушбу жиноят ишини кўришда умуман банкда ишламаган шахс — Уткир Алимовдан гувоҳ сифатида кўрсатма олганлигини қайд этган.

...«Уйжойжамгармабанк» Сурхондарё вилоят филиали мутахассиси Хайдаров Отабек Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман суди томонидан гувоҳ сифатида сўроққа тақлиф қилинмаган ва сўроқ қилинмаган ҳолатда, Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг мажлисларида Гувоҳ тарикасида сўроқ қилинганлиги қайд этилганлиги асосланган. Аммо, сўроқ ўтказилган сана аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, О.Хайдаров томонидан тақдим этилган тушунтириш хатида, ишончнома билан эмас, балки, бошқарувчининг оғзаки топшириғига асосан У.Саматов ўрнига 10 минутга судда иштирок этганлигини маълум қилган.

«Ипотек банк» Сурхондарё вилоят филиалининг 2009 йил 27 январдаги 21В/01-сонли хатига кўра, Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 1-418-сонли жиноят иши асосидан мутахассис сифатида О.Хайдаров ва У.Саматовлар номига суд қақирув хати банк филиалида мавжуд эмас, суд қақирув хати кирим ҳужжатларини руйхатга олиш китобиغا кириши қилинмаган ҳамда юқоридаги ходимларга судда қатнашиш учун банк филиали томонидан ишончнома берилмаган.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

НУР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ПОКИЗА ШАҲАР

Қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкент таърифига шoirлар томонидан қўлаб дostonлар бағишланган. Уларда Тошкент халқининг шаҳар ҳимоясидаги, ташвишли кунлардаги мардлик-жансирати, жаҳон илм-фани, санъати, тинчлик-фаровонлигига қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсевар, меҳмондўст кишиларининг бунёдхорона ишлари тараннум этилган. Тошкентликларнинг мана шундай шахд-шижоати қўйланган дostonлардан бири Хайридин Салоҳнинг «Тошкент билан суҳбат» дostonидир.




Балки шеърим билан, шўх созим билан, Отажон, ўтарман бирор хизматинг. Хизмат қилолмасам овозим билан, Энг оғир ишингга шимараман энг.

Бу дoston 1966 йилнинг август-сентябрь ойларида ёзилган. Унда Тошкент зилзиласининг талафотлари, шаҳарликлар кайфияти ва фидокорона меҳнати қаламга олинган. **Ер қаттиқ силкинди, лекин юраклар, Теракнинг баргидай титрагани йўқ. Ер қаттиқ силкинди, лекин тилаклар, Симоб қатрасидай титрагани йўқ.** Табиий офат тошкентликларни саросимага сола олмади, бир тану бир жон бўлиб шаҳарни тиклаш учун оёққа турди. **Шаҳарни тиклашга бел боғлади эл, Четда қололмадим сафлардан мен ҳам. Керагинг бормиди, бормиди, эй дил, Юртинг бир дардига бўлмасанг малҳам.** Хайридин Салоҳ 1934 йилда Тошкентда туғилди. Ҳа, у Тошкентда ўсди, улғайди, шеърятга меҳр қўйди, она шаҳрининг доғруғи етти иқлимга кетганлигини англаб етди. **Баламан, сен Шарқда шаҳри азимсан, Шеър билан синггансан жоним, қадимдан. Кеча, бугун эмас, қадим-қадимдан, Довругинг кетгандинг етти иқлимдан.** Чиндан ҳам шоир дилига Тошкент шеър бўлиб сингганди. Аммо зилзиладан озор чекаётган ҳамшаҳарлари қалбига ҳозир қўшиқ сизмасди. Шу боис у бошқа қалам-кашлар тинмай қоғоз қоралаётган пайтда уларга қўшилиб шўнчан шеърлар ёзолмасди, она шаҳрини севган шоир сифатида катта ишга энг шимарди.

Албатта, бу даврда шеърят саройида устози Мақсуд Шайхондиннинг «Тошкентнома» дostonидаги «Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи» каби боқий мисралари баланд жаранглаб турарди. Шундай экан Хайридин Салоҳ ёзавак дostonида бу боқий мисраларга жамоанг сатрлар яратиши керак эди. Шоирнинг иқтидори, изланишлари натижасида қоғозга тушган умидбахш мисралар тез орада тилга тушди. **Тошкентим, кундан-кун яшнайверасан, Хуснда етилиб баркамол, тенгсиз... Сен-ку мен бўлмасан яшайверасан, Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!** Бундай самимий мисралар Тошкентга меҳр қўйган, унинг тарихий обидаларигагина эмас, ҳатто тор кўчасини ҳам жаҳоннинг кўркам шаҳарларига олишмайдиган шоир қаламидан тўқилиши мумкин. Шоир «ўзга соҳилда» юрган кезларида хаёлидан кечган фикрларни шундай ифодалади. **Шаҳрим қизларининг тонгдай ишқини, Алишгим келмасди минг раққосасига. Алишгим келмасди ёт эл қўшқини Тошкентим «Самарқанд дарбоза»сига. Юракда ёнарди соғинч, аланга, Кўрсардим Хадрани, Дархон, Кўкчамни... На Париж, на Румо ва на Миланга Алишгим келмасди энг тор кўчамини.** Шоир илҳом қанотида баланд уммасин зилзиладан зарар кўрган Тошкент замини-

ни, ҳамшаҳарлари ташвиш-қувончларини бир лаҳза ҳам унутмайди. Минорлар, чинорлар қулагани билан ер остида илдизлари борлигига қаттиқ ишонди. **Минорлар қулади, юксак минорлар, О, юксак минорлар асрий, пойидор. Чинорлар қулади, баланд чинорлар, Аммо ер остида илдизлари бор.** Унинг қалбидаги бу ишонч-умид дoston ниҳоясида баланд пардаларда янгради. Шоир бардоши тош-метин, бунёдкор ҳамшаҳарлари азами ғайратига қараб она Тошкентнинг порлоқ истиқболига назар ташлади. **Ҳа, сен юксаласан, Тик юксаласан, Бардоши тош-метин — она-Тошкентим! Жаҳон-жаҳонларга доғруғ соласан, Бу орзу, бу ишонч фарзандлик оғтим.** Бугун Тошкент шоир орзу қилгандай тик юксалди, дунёга доғруғи таралди, ўзининг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Шоир таърифлагандай, «хуснда етилиб баркамол, тенгсиз» жаҳоннинг турли мамлакатларидан нуфузли меҳмонларни кутмоқда, эл-юртга катта дастурхон ёзиш тараддудида. Афсуски, шундай шодийна дамларни кутиб яшган Хайридин Салоҳ 1969 йилда ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бирок унинг юрак жони, халқимиз меҳри билан сўғорилган «Тошкент билан суҳбат» дostonи ҳамон адабийёт мухлислари ардоғида. Зеро, бундай асарлар шоир таъкидлагандай асрлар оша авлодлар томонидан севиб ўқилаверади. **Асрор МҮМИН**



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА

қисқартиришлар амалга оширилади

Латвия маъмурияти режасига кўра амалга оширилаётган давлат бошқарувидаги ислохотлар давлат органларида штатлар қисқартирилишини назарда тутди. «Regnum» АА хабар беришича, йил охиригача вазирликларда 1145 та штат ўрни қисқартирилиши лозим. Шундай қилиб, давлат бошқарувидаги 4232 та штат ўрни 2987 тага туширилади. Умуман, йил охиригача давлат муассасалари 51 фоизга қисқариши лозим. Яъни 73 та давлат муассасаси фаолияти кўриб чиқилиб, 36 таси қайта ташкил этилади. Маълумки, Латвия Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ичи-

да жаҳон иқтисодий инқироздан энг кўп жабр кўраётган давлатлардан биридир. Унинг ташқи қарзи 148 фоизга етди. Агар 2009 йил бюджетига тузатишлар киритиб, харажатларни 500 миллион лат (1 миллиард доллар)га қисқартирса, Латвия наватдаги халқаро молиявий ёрдам олиши мумкин. Бу ҳақда Халқаро валюта жамғармаси ва Еврокомиссия вакиллари маълум қилдилар. Аммо ҳукуматнинг инқироздан чиқиш ва халқаро заёмлар ҳисобига ёрдам олиш сиёсати аҳоли орасида норозиликларни кучайтирмакда.

ВИЗА ТАРТИБИ жорий этилади

Канада Иммиграция вазирлиги бугундан эътиборан Мексикадан ташриф буюрувчи фуқаролар учун виза тартибини жорий этди. Бундай тартиб 14 июль кунини Чехия фуқаролари учун ҳам татбиқ қилинган эди. Сабаб: бу икки давлатдан Канадага келувчилар ва Канада маъмуриятидан бошпана беришларини сўровчилар кўпчилики ташкил этди. Бу борада Мексика биринчи ўринда турса, Чехия иккинчидир, дейилади «Новосты» АА хабарига. Утган йили 9400 нафар мексикалик бошпана беришларини сўраб, Канада мухожирлик хизматидаги мурожаат этган. Бу умумий хорижий мурожаатларнинг 25 фоизига тенгдир. Аммо Канада маъмурияти мексикаликлар мурожаатларининг 11 фоизинигина қондирган.

ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ мумкин, аммо...

АҚШнинг Аризона штати губернатори Ян Брюер янги қонун лойиҳасини имзолади. Унга кўра, штатдаги ресторан ва барларга қисқа стволлик қурол билан ташриф буюришга рухсат берилди, аммо қуролли киши бар ёки ресторанда спиртли ичимлик истеъмол қилиши қатъий тақиқланади. Шунингдек, қуролли кишилар ташрифини хоҳламайдиган маиший хизмат шохобчалари соҳиблари кўча эшикка улар киришини тақиқловчи эслатма осиб қўйишлари мумкин. Кимки, бу тартибга риоя этмай қурол билан ташриф



Мамбулар асосида Эмлола ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

РАСМҲАЙ ҲУҶЖАТ ЭМАС...

ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг вилоят назорат-тафтиш бошқармаси маълумотларининг тўғри-нотўғрилиги учун журналист жавобгар ҳисоблангани хусусида

...Жинойт ишлари бўйича Деҳқонobod туман суди ва бошқа судларга «Ипотека банк» Сурхондарё вилоят филиали ходимларини суд инстанцияларида иштирокини таъминлаш тўғрисида сўрвоннома ва суд қақирув хатлари берилмаган ҳамда филиал ходимлари Жиноят ишлари бўйича Деҳқонobod туман суди мажлисида қатнашмаган. ...Жиноят ишлари бўйича Деҳқонobod туман суди томонидан университетнинг бандаги ҳисобварақларидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда стипендиялар учун ўз вақтида банк филиалларида нақд пул билан таъминланганлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Экспертлик Кенгашидан, берилган нақд пуллар мақсади ишлатилганлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли хулосалар олинмаган. ...Юқорида қайд этилган банк ҳисобварақ шартномасида белгилаб қўйилган ҳуқуқларга асосланган ҳолда Термиз давлат университетининг ўқитувчилари ва жамоасининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини тегишли банклар томонидан белгиланган мuddатларда нақд пул билан таъминланмаётганлиги бўйича белгиланган тартибда Сурхондарё вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилмаган. Жиноят ишлари бўйича Деҳқонobod туман суди томонидан мазкур 1-418-сонли жиноят ишлари кўришда, банк билан миждо ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланган банк ҳисобварақ шартномасида тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги ёки бажармаганлигини аниқлашдан банклар томонидан Термиз давлат университети иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари нақд пул билан таъминланмаган деган асоссиз хулоса чиқарган. Қизиқ, Марказий банк раҳбарияти Деҳқонobod судига гувоҳлик берган банк ходимларидан бирининг банда умуман ишлаганлиги, бошқасининг ваколати йўқлиги, хизмат кўрсатувчи банклар томонидан мажбурият қандай бажарилганлиги аниқланмаганлигини таъкидламоқда. Хўш, бу ҳолатда суд ҳукми қонунийлигига қандай баҳо бериши мумкин? Шунингдек, университетдаги нуқсонлар ҳақида турли идораларга шикоят ёзиб, курашиб келган С.Ҳамидова ўз кўрағамаси судда мутлақо тескари ёзилганини билдиради ва бу ҳақда Олий судга ҳам мурожаат қилганини айтиди. Бу, майли, исбот талаб қиладиган масала. Аммо яна бир ҳолат галатироқ туюлади. Деҳқонobod суди судьяси Ҳ.Самандаров Олий ва ўрта мақсус таълим вазирлига ёзган хатида (20.04.2006й.) «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган макролалар тўғрисидаги мақола вакиллари кенг жамоатчилик, эъйиллар, олий ўқув юрталари раҳбарлари, олимлар ва талабалар ўртасида шайни ва обрўси тўқилган» деган хулосани ёзади. Жиноят ишлари бўйича судья Ҳ.Самандаров фуқаролик ишларида кўриладиган масалани ҳам биратўла ҳал этиб юборгиси келганмикин? Жиноят суди судьяси газета мақоласини шундай баҳолашга ваколатли эдимиз? Унда нега тахрирчи вақилини судга қақиртирмади? Энди фуқаролик судидаги кишини ажаблантирувчи талқинларга тўхталишасан. «Омвий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига кўра, **Журналист (бош муҳаррир), шунингдек, журналист, омвий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар расмий хабарлардан олинган бўлса, жавобгар бўлмайди.** «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ҳам шу нарса таъкидланади. **«Журналист расмий хабарда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди».** «Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шайни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида»ги Олий суд Пленуми қарорида **маълумотлар расмий хабарлардан олинган ҳолларда суд ёлғиз маълумотларни дастлаб тарқатган шахсини ҳам жавобгар сифатида тортиш мумкинлиги айтилади.** Лекин биринчи босқич суди ҳам, кассация босқичи суди ҳам, назорат босқичи ҳам юқоридаги қонун ва қарор талабларига неғадир эътибор бермади. Олий судга ёзган шикоятимиздаги вақиларимизга эса судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоровдан Марказий банк ва Молия вазирлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси маълумотларининг тўғри-нотўғрилигига ҳам тахрирчи жавобгар, деган мазмунида жавоб олдик. Демак, Марказий банк ва Молия вазирлиги бошқармаси расмий идора эмас эканда. Агар масалага Х.Ёдгоров нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, кўрқиб кетасан киши. Биз хатто Марказий банк ва Молия вазирлиги бошқармаси каби нуфузли дав-

лат идораларининг имзоланган ва муҳрланган, рўйхатдан ўтказилган маълумотларига ҳам ишонмаслигимиз, керак бўлса тахрирнинг ўзи банкларни, пул мақсади сарфланаётган ёки йўқлигини тафтиш қилиши керак... Ҳокимлик, вазирлик ва бошқа давлат идораларидан олинган маълумотларга ҳам жавобгар бўлсак — бошимиз суддан чиқмай қолмайдемиз? Қизиғи, Олий суд судлов ҳайъат раиси жавобига 2004 йил 28 сентябрда чоп этилган жавоблар ҳам муаллиф мақоласи сифатида тилга олинди. Назаримизда муаллиф мақоласи билан жавоб хатларини фарқлаш учун матбуот соҳасида алоҳида маълумотга эга бўлиш талаб қилинмайди, фақат масалага озгина эътибор зарур бўлади, холос. Х.Ёдгоровнинг айтишича, мақола тергов харақатлари кетаётган пайтда чоп этилган, амалдаги қонунчилик бўйича бундай пайтда мақола беришга журналист ҳақи эмас. Дарҳақиқат шундай. Лекин мақоладаги фактлар жиноят иши қўзғатилган фактларга алоқаси йўқ эканлиги, бундай ҳолатда мақола чоп этилишига қонун монелик қилмаслигини билиш учун матбуот тўғрисидаги қонунларни қўя туройлик, ҳеч бўлма-са биз тақдим қилган ўша жиноят ишнинг кўрағамаси тўғрисидаги қарор ҳамда мақолага зийрак-роқ кўз ташлаш қифоя эди, деб ўйлаймиз. Олий суд ўша мақола ва унга давлат идораларидан келган жавоблардаги ҳамма фактлар, маълумотлар учун ҳам биз рақдия беришимиз кераклиги ҳақидаги куйи суд хулосасига қўшилибди. Бу матбуот тарихида ҳали учрамаган ҳодиса! Прокуратура, Олий таълим ва бошқа идоралар маълумотлари учун газета жавоб бериши сўралаётми! Тахрирчи ёки журналистнинг имконияти, ваколати, ҳақ-ҳуқуқи жамоатчилик ва тегишли идоралар эътиборини муаммога қаратишдан иборат. «Хўлван ректор, калтакчи студент ёйдими?» сарлавҳали мақолада асосан талабаларга давлат томонидан ажратилган маблағ ўз вақтида берилмагани, деган масала кўтарилган эди. Ушбу мақола тўғрисида Термиз давлат университетида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Уқув муассасасида мўҳит яшилди. Уқувчи, профессорлар, ишчи-ҳодимлар, студентлар ойлик маошлари ва стипендияларини ўз вақтида ола бошди. Мақоладан қўзланган мақсад ҳам шу эди. Агар ушбу мулоҳазалар билан ўзимиз билмаган ҳолда қонунни бузган, кимнингдир шахсига теккан бўлсак олдиндан уэр сўраймиз.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Солиқ ҳаёти

Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган давр мобайнида солиқ идоралари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроекономик тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан бюджет (134,8%) ва бюджетдан ташқари давлат мақсадили жағмармалари (141,5%) тушумларида сезиларли ўсish бўлгани қайд этилди. Шундай бўлса-да, мазкур йўналишдаги ишларда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳайъат йиғилишида солиқ қардорликларини қисқартириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, Навоий, Сирдарё, Андижон, Хоразм, Жиззах, Наманган, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туман ва шаҳарларида ишларни жонлантириш лозимлиги таъкидланди. Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланган ҳолда нақд пул маблағларини банк кассаларида тўлиқ топширилишини назорат қилишнинг аҳоли таҳлил этилди. Андижон вилояти ва

Орамиздаги одамлар



Кўп ўтмай кўш қаватли мактаб олдида тўхтадик. Узун гулзор йўлақдан ўтиб, ичкари кирсак, дарслар тугаган, ўқувчи муаллимлар кўринмас эди. Боғни айланиб, мусиқа мактаби бўлимларини кўздан кечиридик.

— Отангиз номдаги мактаб шуми? — деб сўрадим ундан. — Ҳа, шу, — деди Комил ака камтарлик билан.

Уруш йиллари Комил аканинг онаси Зиёда момо одамларга атала пишириб таркатган жойда шу мактаб қад кўтарган, у Амир Диёров номи билан аталган.

Биз бироз юриб, мактабдан узок бўлмаган катта бир ҳовлига кириб бордик. Ёши тўқсондан ошган Зиёда момо шу ерда экан.

— Онамиз олти неварасининг ҳар бириникида икки ойдан туриб, ҳаммасига меҳр улашиб юради, — деди Комил ака. — Бу ўғлим Собир фермернинг уйи.

Собиржон бизни меҳмонхонага таклиф этди. Биз ўтириб, Зиёда момо кириб келди. Дуога кўл очди. Гаплари ўқтам, фикри тиник.

Комил ака биринчи муаллими Рушан бобони дараклатди. Кўп ўтмай Рушан бобо Маматқулов кириб келди. Утиришга буюр кийналди. «Шу оёқ оғрийдими, урушнинг асоратида», деб хонтахта атрофига жойлашди. Рушан бобо келгач, гурунгимиз кўр олди.

Уларнинг баъзи гапларини ён дафтаримга қайд этиб қўяман, гоҳ улгуриб-гоҳ улгурмай, такор сўрайман. Кўзлари муноққдек бўлиб боқаётган Зиёда момонинг йиллар шамоли қарит-

ган қиёфасидан ўтган асрнинг энг мудҳиш фожиаларидан озурда қалб оғриқ-ситамларини илғаб, унинг сабр-бардошига қойил қоламан.

Рўпарада ўтирган Рушан бобо навқирон йилларини иккинчи жаҳон урушининг оғир йўлларида ташлаб келган. У Зиёда момонинг эри Амир Диёров билан бирга, бир кунда фронтга кетган. Бирок она юртга қайтиб келиш улардан бирига на-сиб этмаган. Эҳтимол, шунданми, она ва бола олдида Рушан бобо ўзини айбдордай ҳис этиб, ноўнғай ҳолатга тушади.

Амир муаллим урушга кетганида она қорнида қолган, ота муаллим, учинчиси эса олти ёшли Комилжон...

Йиллар сурони қуюндай ўтиб кетади-ю, уларнинг кўз олдимдаги бугунги қиёфалари намоён бўлади. Мусаввир бўлганимда ҳар учовининг қиёфасини шу алфоздаги ранг-тасвирга муҳрлаган бўлардим. Эҳтимол, сўз ифодадай олмаган туйғуларни бўёқлар дурустроқ намоён этар?! Уларнинг учаласи ҳам урушнинг бутун заҳматию жароҳатлари, ситаму аламларини ўз ҳаётида тотиб кўрган. Бири шу уруш касофати билан гулдек келинчаклигида бева қолган, то бугунга қадар жангдан қайтмаган ёрнинг ёди билан яшаётган онахон бўлса, иккинчиси ярадор бўлиб қишлоғига қайт-

эди, Комилжон тўртинчи синфдан сўнг шу мактабда ўқиган. Мактаб директори Абдураҳмон Баракаев ҳам биз билан бир кунда урушга жўнаган. Бухорода бир ҳафта туриб, ҳарбий тайёргарлик ўтадик, сўнг Куйбишевга, у ердан эса Пензага-ча бордик. Сўнг ҳаммамизни 82-полк билан фронтга ташлашди. Амир дўстим «замполит» бўлди...

Уша йили август ойининг 12-13-ларида ярадор бўлиб, «санбат»га таъин қолдим. Амир Диёров ва яна уч курулдошимдан шу жойда ажралганман. Даво-лангандан сўнг ноябрь ойида Сталинградда олти ой ўқишда бўлдим. Сўнг яна фронт. 22 ноябрда ўқ тегиб, жароҳатландим. Волга дарёси ёқасида одам-

ларнинг уйда даволашга тўғри келди. Қирқ учинчи йилга ўтгач, мартнинг ўн учлари, мени ярадор сифатида дарс беради. Беш йил бирга яшадик. Урушга кетди... Сўнг Воронеж фронтинда «қора хат» келди...

Уша қора кунларда — «қора хат» келган кунларда онахоннинг холи не кечди экан, деб ўйга толаман. Худди шунинг сезгандек, «Уруш йиллари оғир эди, — дейди Зиёда момо. — Кўчаларда очликдан ўлиб қолган одамларни кўрадик. Шунинг учун бу кунларнинг қадрига етинглар, болаларим, тинчликнинг қадрига етинглар, дейман!»

— 1942 йили 16 июнда фронтда Комилжоннинг отаси Амир Диёров билан бирга кетганимиз, — дейди Рушан бобо. — У Темиржўдадаги мактабда завуч

бува дарса кирганда, биз оталари урушдан қайтмаган етим болаларни кўриб, кўздан ёш чиқиб кетарди. Муаллим йўғласа, биз ҳам йўғлардик... — Комилжоннинг отаси бизга ҳаммиса «Ўқи, бу билимнинг ҳали етмай қолади, кўп ўқи!» дерди. Тўғри айтган экан, — деб ҳикоясида давом этади Рушан бобо. — Бизлар уруш сабаб, яхши ўқийлик. Лекин қўлимиздан келганча қишлоқ болаларини ўқитдик. Мана, Комилжон, яхши ўқиб, аввал қол-қозимизга раис бўлди, кейин туманларда раҳбар бўлди, Тошкентга бориб ишлади. Худди отасидай доим элнинг ғамини еб, одамлар ташвиш-ғамидан ортмай яшади. Худого шукр,

ўғиллари ҳам ўзидан кам эмас... — Рушан бобо бироз тинди, яна гапира давом этди: — Урушдан кейинги ўша йилларда мактабларнинг аҳоли жуда оғир эди. Болаларга баҳо қўйилмади, ҳарбий низомига ўрганиб бердик. Мактабда «военрук» бўлсам-да, ҳамма фандан дарс бераман. 1948 йили Комилжонни биринчи синфда ўқитдим. У олти ёшида мактабга борган...

Комил ака сўхбат жилавини қўлга олган экан, ўша йилларни

ўргандим, — дейди Комил ака. — Онам уришарди, ўқишинг қоп кетади, деб. Шунда момо: «Кўй, индама, ўзи қизиқибди», деб ҳимоя қиларди...

Гап айланиб, қаҳатчилик йиллари элни инсонийлик туйғуси бирлаштиргани, бу асли аждодлардан ўтиб келаётган мерос эканига тақалди.

— Қирқ олтинчи йили ёмон бир қаҳатчилик бўлди, — деб Рушан бобо гапира давом этади. — Бизга айтдики, Украинанинг саккизта вилоятида галла бўлмаган. Сабаби урушда шу вилоятларда одам кўп ўлган.

Уруш йиллари Ушқотепе далаларига асосан лалми галла экилган. Пахта экиш эса урушдан сўнг урф бўлган.

— Самарқандда сувли ерлар кўп бўлгани учун Ушқотепедан ҳам кўпчилик ўша ёққа бориб, тирикчиликка убу нарса толиб келарди, — дейди Комил ака. — Эс-эс биланман, Бойназарнинг отаси Йўлдош бобо фронтдан қайтган йили онам иккимиз талқон еб тирикчилик қилганмиз. Уйда галла йўқ. Бир челақ узумга иккита тухум беради. Йўлдош бобо нон олиб келгани пийдалаб Қаршига кетарди. Қарши ўн олти километр. Шаҳарда ўн на магазин бўларди. Нон олиш учун кечаю кундуз навбатда туришга тўғри келарди...

У кунларнинг нимасини айтасиз. Ҳатто душманамга раво кўрмайман. Бу кунларни, кўт-баракани ҳар қанча улуғласак арзийди. Минг қатла шукр!...

Бу гурунглрдан сўнг бироз ўтиб, Рушан бобо уйига кетди. Мен ён дафтардаги ёзувларни тартибга келтириб ташқари чиқсам, Комил ака қорпода ёнбошлаганча онаси билан гурунқ қиляпти. Қарши ёши она ва олти беш ёшли ўғил, Улар, мана, олти беш йилки, бир-бирига таън, бир-бирига сўян. Бошларидан не кунларни ўтказмаган.

Қандай қудратли куч уларга сабр-бардош бериб, бало-қазоларда қалқон бўлди экан? Уларнинг метин иродаси қаёқдан озик олади? Тақдир бугунги до-риломан кунларга етказган она ва ўғилнинг жасорати олдида беш эгинг келади.

Уларнинг бир-бири билан гурунглашиб ўтирган ҳолати улўғ мусаввир тасвирлаган бетакор суратдек сира кўз олдимдан кетмайди.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

УЧ ТАҚДИР

Ушқотепе ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, бориб кўрмаган эдим. Комил ака йўл бўйи болалик йиллари кечган далалар — эски сув обори, тўғон, булоқлар ўрни, баҳорда сув тошадиган ўтлоқлар, уруш йиллари одамлар экин экиб, тирикчилик қилган адирлару хирмон жойлар, болалигида қўй-эчки ва сизир боққан кенгликларни кўрсатиб борди. Орадан олти йил ўтиб, уларнинг манзараси тамом ўзгариб кетган бўлса-да, ҳамроҳим ўша йилларни ҳаяжон билан эслар эди.

дийдорини кўрмай ўсган Комилжон учун онаси ҳам она, ҳам ота бўлган. Заррача ўқитмай, отаси борлардан ҳам зиёда қилиб вояга етказган. Бугун Комилжон бир этак боланинг отаси, ўнлаб неварою чеваралар бобоси.

Зиёда момо баъзи гапларини шу ўғлига қараб, баъзиларини бизга тикилиб, охиаста-охиаста сўзлайди. Угли Комилжон эса бир асрни қаритган онани дадиллантириб, ҳаёлидан фаромуш бўлган баъзи воқеаларни аста эслатган бўлади.

Гурунқ кизигандан-қизийди... Мен урушдан сўнг туғилганман. У йилларнинг даҳшатини кўрмаганман. Даврадошларим сўзлаётган воқеалар ўша йилларнинг ола-чаллоқ манзарасини худди чино лентасидек кўз олдимда гавдалантиради. Ўғилларни худди чино лентасидек кўз олдимда гавдалантиради. Ўғилларни худди чино лентасидек кўз олдимда гавдалантиради.

Уларнинг баъзи гапларини ён дафтаримга қайд этиб қўяман, гоҳ улгуриб-гоҳ улгурмай, такор сўрайман. Кўзлари муноққдек бўлиб боқаётган Зиёда момонинг йиллар шамоли қарит-

ган ва мактабда муаллимлигини давом эттирган Рушан бобо... Учинчиси Комилжон...

— Мен Амир муаллимга турмуша чиққанманда ўн тўққиз ёшда эдим. У Тошкентда, Низомиёв номи институтда икки йил ўқиб келиб, математикадан дарс беради. Беш йил бирга яшадик. Урушга кетди... Сўнг Воронеж фронтинда «қора хат» келди...

Уша қора кунларда — «қора хат» келган кунларда онахоннинг холи не кечди экан, деб ўйга толаман. Худди шунинг сезгандек, «Уруш йиллари оғир эди, — дейди Зиёда момо. — Кўчаларда очликдан ўлиб қолган одамларни кўрадик. Шунинг учун бу кунларнинг қадрига етинглар, болаларим, тинчликнинг қадрига етинглар, дейман!»

— 1942 йили 16 июнда фронтда Комилжоннинг отаси Амир Диёров билан бирга кетганимиз, — дейди Рушан бобо. — У Темиржўдадаги мактабда завуч

бува дарса кирганда, биз оталари урушдан қайтмаган етим болаларни кўриб, кўздан ёш чиқиб кетарди. Муаллим йўғласа, биз ҳам йўғлардик... — Комилжоннинг отаси бизга ҳаммиса «Ўқи, бу билимнинг ҳали етмай қолади, кўп ўқи!» дерди. Тўғри айтган экан, — деб ҳикоясида давом этади Рушан бобо. — Бизлар уруш сабаб, яхши ўқийлик. Лекин қўлимиздан келганча қишлоқ болаларини ўқитдик. Мана, Комилжон, яхши ўқиб, аввал қол-қозимизга раис бўлди, кейин туманларда раҳбар бўлди, Тошкентга бориб ишлади. Худди отасидай доим элнинг ғамини еб, одамлар ташвиш-ғамидан ортмай яшади. Худого шукр,

ўғиллари ҳам ўзидан кам эмас... — Рушан бобо бироз тинди, яна гапира давом этди: — Урушдан кейинги ўша йилларда мактабларнинг аҳоли жуда оғир эди. Болаларга баҳо қўйилмади, ҳарбий низомига ўрганиб бердик. Мактабда «военрук» бўлсам-да, ҳамма фандан дарс бераман. 1948 йили Комилжонни биринчи синфда ўқитдим. У олти ёшида мактабга борган...

Комил ака сўхбат жилавини қўлга олган экан, ўша йилларни

Божхона бекати ПОТНИШЛАР «ИЛТИМОСИ»

Жиззах божхоначилари Мирзачўл туманидаги қўшни давлатга элтувчи айланма йўллари назорат қилиш жараёнида чегарада изғиб юрган шахсларга дуч келди. Аммо, улар қузатувга олиганини сезиб қолиб, дарҳол қўшни давлат ҳудуди томон жуфттаки ростлашди.

Воқеа жойи белгиланган тартибда қўздан кечирилганда 79 та полиетилен қопларга жойлаштирилган ҳар бири 1,5 литр ҳажмли 1880 дона елим идишлардаги спирт қонқонуний равишда юртимизга олиб кириляётгани аён бўлди. Аниқланишича, 3000 литрга яқин ушбу спирт маҳсулотини қиймати салкам 3,5 миллион сўмини ташкил қилар экан.

Худди шундай ҳолат Тошкент туманидаги айланма йўллардан бирида ҳам содир бўлди. Бу гал қонқонбузарлар 1250 литр пиво ва турли қонқондат маҳсулотлари ор-тилган «УАЗ 452» автомашинасини ташлаб, «қўён» бўлишган.

Арнасой ҳаракатдаги божхона пости ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда йирик миқдордаги спирт контрабандасига чек қўйилди. Хоразмга йўл олган фуқаро М.Худойбергенов бошқарувидаги «КамАЗ»нинг юкхонаси текширилганда, оз эмас-кўп эмас, нақд 2 тонна спирт маҳсулотини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетиляётгани фаш бўлди. Хайдовчи 12 донна турли сизимдаги елим идиш-

ларга солинган ушбу маҳсулотни нотаниш кимсаларнинг илтимосига биноан олиб бораётгани ҳақида гапирган. Аммо, тирикчилик дея нотанишлар «илтимосини» бажариб, қонқонбузарликка йўл қўйишни оқлаб бўладими?

Қорақалпоғистон Республикаси божхоначилари Эликқалъа туманидаги айланма йўллардан бирида ҳаракатланаётган давлат рақами «10 Н 187 АА» бўлган «Форд-транзит» русумли автомашинани божхона назоратидан ўтказиб, салкам 1,5 тонна спиртининг ноқонқонуний олиб кетиляётганини фаш этди. 1000 га яқин 1,5 литрлик сизимдаги елим идишларга солинган, қиймати 10 миллион сўмга яқин ушбу маҳсулот хайдовчи О.Темировга тегишли экан.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилнинг биринчи ярми давомида божхоначилар томонидан 500 дан ошди ҳуқуқбузарлик ҳолатларида қиймати 265 миллион сўмга яқин салкам 70 миллион литр спирт ва алкоголь маҳсулотлар контрабандасига чек қўйилган.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фракция аъзоси Қаждор Ибрагимовга акаси Кодиржон ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«O'zbekinvest Hayot» шўба сугурта компанияси жамоаси Фаргона вилояти расмий ваколатхонасининг худудий менежери Ж.Ниязовга онаси Тўхтаҳон аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия эъҳор этади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Сирдарё — Сўх» Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: LOT-1, Muddati — 31.12.2009 йил, LOT-2, Muddati — 31.12.2009 йил. Rows contain lot numbers, object names, and prices.

Буюртмачи: «Сирдарё — Сўх» Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология — мелиоратив экспедицияси Манзили: Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй, тел: 224-27-50

Қурилиш-монтаж ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги сугуриладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадига маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Таалабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағи (захирадаги қурилиш материаллари билан

бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониётларига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-74-20

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очилиш кунини ва вақтига қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида қўрсатилган манзилда ўтказилади.

Right sidebar containing contact information for BOSH MUHARRIR, SAFAR OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS, BO'LIMLAR, PARTIYA HAYOTI, MADANIYAT VA SPORT, IJTIMOIY HAYOT VA IQTISODIYOT, JAMOATCHILIK BILAN ALOQALAR VA HUAQIY TARG'IBOT, REKLAMA VA E'ONLAR, MAS'UL KOTIB, VILOYAT MUXBIRLARI, ANDIJONDA, BUXORODA, GULISTONDA, JIZZAXDA, NAVOIYDA, NAMANGANDA, NUKUSDA, SAMARQANDDA, URGANCHDA, FARG'ONADA, DENOVDA, MANZILIMIZ, SAHIFALOVCHI-DASTURCHILAR, SAHARQ NASHRIYOT-MATBAA AKSIYADORLIK kompaniyasi, GAZETA O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, ISSN 2010-7633, O'ZA yakuni — 22.00, Topshirilgan vaqti — 01.00, 1 2 3 4 5 6 7, Soluvda erkin narxda